

---

## ФЁҚШ фаолияти назоратга олинди

2020 йил 12 февраль куни ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Фермерлар: дизель сифатсизлигидан мум каби қотиб қолди” сарлавҳали хабар юзасидан Фурқат тумани ҳокимлиги куйидагича муносабат билдиради:

Шахси ойдинлаштирилмаган муаллиф Фарғона нефть базанинг Қўқон филиалига қарашли, Фурқат туманидаги “Томоша” ФЁҚШда дизел ёнилғисининг сифатсизлиги ҳамда тўғри ўлчанаётганига шубҳаси борлигини билдирган.

2020 йил 13 февраль куни “Фарғона нефт база” МЧЖ мутахассислари ҳамда лоборантлари томонидан “Томоша” ФЁҚШда мавжуд бўлган дизел ёнилғисидан 1,5 литр ҳажмда намуна олиниб, кимё-назорат лобораториясида таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида ёнилғи ЎзДСТ 989-2010 Давлат стандарти талабларига тўғри келиши маълум бўлди.

Муаллифнинг “тарқатилаётган ёнилғини тўғри ўлчанаётганига шубҳаси борлиги” масаласига келсак, шахобчада махсус ёнилғи тарқатиш устунчаси ўрнатилган бўлиб, “Ўзстандарт” агентлиги Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси томонидан қиёсловдан ўтказилиб, 2019 йил 24 октябрь куни 01/2434-сонли қиёслаш сертификати берилган. Ҳар бир фермер қанча миқдорда махсулот олаётганини ўз кўзи билан кўриб, керакли хужжатни имзолагандан сўнг махсулотни қабул қилиб олмақда.

Ушбу ФЁҚШ орқали ёнилғи-мойлаш махсулотлари билан таъминланиб келаётган “Шукурулло замини” номли фермер хўжалиги раҳбари М. Маназаров, “Тошбек” номли фермер хўжалиги раҳбари К. Ҳакимов, “Қолгандарё чаманзори” фермер хўжалиги раҳбари Қ. Қаюмовлар билан суҳбатлашганимизда, тарқатилаётган ёнилғи-мойлаш махсулотларининг сифатига эътирози йўқлиги, ўлчов ускунаси орқали тўғри тарқатилаётганини билдирди.

Хабарда кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланмаган бўлсада, тумандаги барча ФЁҚШларда фермер хўжаликларига фақат сифатли махсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари назоратга олинди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

Тўлиқ

СИФАТ ХУЖЖАТИ № 182

Фаргона нефт базаси МЧЖ. Кўкон филиали "13" 02 2020 йил.

Дизел ёнилғиси ТДБ Л-ТДБ 3-ТДБ У-О<sup>0</sup>S DSt 989-2010

Сигим № 1 Ўлчами 56,5 см

№	Кўрсаткичнинг номи	Давлат стандарти бўйича меъёри	Хақиқатда
1	Фракция таркиби: 50% °C хароратда хайдалади, бундан ортиқ эмас	280	251°
2	96 % °C даражада хайдалади, бундан ортиқ эмас	360	345°
3	20 °C (сет) ҳисобида кинематик ёпишқоқлиги	3.0-6.0	4.28
4	Ёпик тигелда чакнаш харорати (бундан паст эмас)	40	40°
5	Сув эритмаси кислоталар ва ишкорлар миқдори	Йўқ	Йўқ
6	Механик кукунлар миқдори	Йўқ	Йўқ
7	Сувнинг миқдори	Йўқ	Йўқ
8	20° C дм/м3 зичлиги (бундан ортиқ эмас)	0.860	0.825

Лаборатория бошқиси

З.М. Зилмушов.

Лаборант

Р.М. Рахмонов



Кўкон шаҳар <<ЯНГИ ФАРҒОНА>> МЧЖ б. 2018 й. № 20г. 5000



